

## Баҳрайн Исломий банки илк виртуал «Дана» дастурини ишга туширди



14:20 / 01.06.2019 2186

Қиролликдаги исломий банк хизматларининг интеграция бўйича етакчи провайдери бўлган Баҳрайн Исломий банки ўзининг биринчи виртуал ишчиси «Дана» исмли дастурини ишга туширгани ҳақида эълон қилди.

У энг оддий портфолио маҳсулотлар ва хизматларни яратиш жараёнида ижодий технологияларни ривожлантириш билан шуғулланади. Бу ҳақда [tradearabiya.com](http://tradearabiya.com) сайти хабар беради.

Шунингдек, бу эса Баҳрайн Исломий Банки мақсадларига мос келади, яъни мижозларнинг пул билан боғлиқ савол ва муаммоларининг ечимини енгиллаштириш, кундалик транзакцияларини осон ва қулайлик билан амалга ошириш имконини беради, деб банк ўз баёнотида маълум қилган.

«Дана» аҳолини банк маҳсулотлари ва хизматлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб туриши билан бирга, уларга техник ва молиявий тенденциялар бўйича рақамли консультация ва ғояларни тақдим этади, деб хабар беради islam.ru сайти. Хусусан, банк мижозлар билан ўзаро ҳамкорликни рақамли платформаларда такомиллаштиришига кўмаклашишда муҳим ўрин касб этади.

***Islom.uz портали таҳририяти***